БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 261 (19.932). • 1987 йил 13 ноябрь, жума • Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОР ВА ЁРДАМЧИЛАР

ШУ КУНЛАРДА ПАХТА УЧУН КУРАШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАСИ БОШЛАНДИ. ҲАР БИР КУН, ҲАР БИР СОАТ ҲЕЧ ҚАЧОН ҲОЗИРГИДЕК ҚАДРЛИ БЎЛГАН ЭМАС. ШУ БОИСДАН ДАЛАДАГИ МЕҲНАТ — ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ, ЗАРБДОР МЕҲНАТ БЎЛИШИ ДАРКОР. ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ЮҚОРИ УНУМ УЧУН ВА ПАХТАНИНГ СИФАТИ УЧУН КУРАШ ҲАММАНИНГ ВА ҲАР БИР КИШИНИНГ ЭНГ МУҲИМ БУРЧИДИР.

ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТИШДИ

Лаос халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвихан бошчилигидаги Лаос Халқ-Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси Тошкентда тўхтаб ўтди. Делегация КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг таклифига биноан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги байрамида қатнашиш учун мамлакатимизга келган эди.

12 ноябрь куни Кейсон Фомвихан ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистон пойтахтидан юртига жўнаб кетдилар.

Тошкент аэропортида ЛХДР партия-ҳукумат делегациясини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Искандаров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар ва кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

БОЛГАРИЯЛИК МЕҲМОН

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Болгария касаба союзлари Марказий Советининг секретари Руси Карарусинов Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Болгариялик меҳмон В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, Болгария касаба союзлари ҳозирги босқичда ўтказаётган ғоявий-тарбиявий ишлар ҳақида Тошкент Олий партия мактабининг партия, совет, идеология кадрлари малакасини ошириш факультети тингловчилари ҳамда Тошкент «Малика» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмасининг меҳнатчилари ҳузурида лекциялар ўқиди.

12 ноябрда Р. Карарусиновни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қабул қилди.

(ЎзТАГ).

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

ВЕРТОЛЁТЧИЛАР ҲОСИЛНИ САҚЛАБ ҚОЛМОҚДАЛАР

Помир тоғларидаги ноқулай об-ҳаво авиаторлар ишига тўсқинлик қилмоқда. Лекин шундай бўлса-да, Сергели авиакорхонасига қарашли Р. Кораблев, В. Биков ва Ю. Сухоруков бошчилигидаги МИ-8 вертолётларининг экипажлари баланд тоғлардаги қишлоқларда етиштирилган мўл-кўл кузги олма ва анор ҳосилини водийга тўла-тўкис етказиб бердилар.

Бу йил Помирдаги боғларда ҳосил мўл бўлди. Аммо тўсатдан ҳаво айнади. 300 тоннадан кўпроқ сара мева чириб кетиши мумкин эди. Республика пойтахтига эса ёрдам сўраб шошилинч радиограмма келди. Тоғларда ишлаб катта тажриба орттирган, учувчилик маҳорати такомиллашган вертолётчилар ҳар куни Чош, Ҳамидарча, Пуштук ва бошқа олис қишлоқларга бир неча мартадан қатнадилар.

Аммо экипажларнинг мураккаб иши ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Энди улар олдида тоғдаги қишлоқ меҳнаткашлари учун қиш мавсумига зарур 500 тоннадан кўпроқ юк ташиб бериш вазифаси турибди. Афсуски, ёнилғи бир текисда етказиб берилмаётганлиги сабабли бу ишни бажариш қийинлашмоқда. Помирнинг ҳавоси ҳали очилиб, ҳали «қовоғини солиб» турган бир кезда авиаторлар ёнилғига махтал бўлиб, ўз ишларини оператив бажариш учун қулай бўлган фурсатларни бой бермоқдалар.

(ЎзТАГ).

ОШКОРАВИЙЛИК — ФАОЛИЯТ АСОСИ

Халқ депутатлари Советлари ва уларнинг органлари учун ошкоравийлик конституцион принципдир. В. И. Ленин таъбири билан айтганда Советлар ҳамма учун очиқ, барча ишларни омма кўз ўнгида қиладиган органдир. Шунинг учун ҳам Совет ва унинг органлари ишида ошкоравийлик принципига тўла амал қилиш, унга янгидан-янги мазмун бағишлаш шу кунининг муҳим вазифасидир.

Ошкоравийлик — социалистик демократиянинг асосий хислатларидан бири ҳисобланиб, омманинг ижтимоий активлигини оширишга, онгли равишда жамиятни бошқариш ишларида қатнашишга имкон туғдиради, кишиларда гражданлик ҳиссиётларини тарбиялашга, уларни ўз-ўзини бошқаришга жалб этиш билан хўжаликнинг барча соҳаларида актив иштирок этишга олиб келади. Бу эса қайта қуришни жадаллаштиради.

Кейинги йилларда республикамизнинг бир қатор Советлари ишида ошкоравийликка эътибор кучайиб бормоқда. Тошкент, Наманган, Сирдарё область Советлари, Тошкент шаҳар Совети сессияларида кўриладиган масалалар бўйича доклад тезислари, қарор лойиҳалари сессиядан анчагина илгари газеталарда эълон қилинмоқда, улар тўғрисидаги аҳолининг фикр-мулоҳазалари ўрганилмоқда, ҳисобга олинмоқда.

Бир қатор Советлар сессияда кўрилган масалалар, уларни муҳокама қилишда депутатларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳақида ҳам оммаларнинг фикрини олишга эътибор бермоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳар Совети сессиясидан кейин газетада «Депутатлар таклиф қилади ва таклиф қиладн» рубрикаси остида сессия тўғрисида кенг маълумот берилмоқда. Область Совети ижроия комитети мажлиси тўғрисидаги ахборотлар газеталарда босилиб чиқаётир.

Барча Советларнинг депутатлари бир йилда икки марта—февраль ва август ойларида ўз сайловчилари билан учрашиши, Совет ва унинг органлари ҳам ўз ишлари ҳақида ҳисоб бериши одат тусига кириб қолди.

Депутатларнинг, ижроия комитет раҳбарларининг сайловчилар билан учрашишлари Советлар фаолиятидаги ошкоравийликнинг яхши формаларидан биридир. Чунки бундай учрашувларда аҳоли бевосита депутатнинг ҳамда мансабдор шахснинг ўзидан ахборот олади. Ахборот берувчи эса сайловчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини, танқид ва таклифларини эшитади, мунозара қилади ҳамда кўплашиб ҳақиқатни қарор топтиради.

Демократияни тобора кенгайтириш шароитида яшаш ва ишлаш — баҳслардан, фикр ва мулоҳаза тўқнашувларидан қўрқмаслик демакдир. Буларнинг ҳаммаси олга қараб боришимизда, қайта қуриш жараёнида содир бўладиган муаммоларни тезда, тўғри ва адолатли ечиш йўлларини топиш усулидир. Бундай имкониятдан кенгроқ фойдаланиш зарур.

Маҳаллий Советларга шу йил 21 июнда бўлиб ўтган сайловларга тайёргарлик кўриш даврида ошкоравийлик принципига амал қилиш анча кенгайди. Депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган мажлисларда бир неча киши муҳокама қилиниб, улар ичидан энг муносибларн номзод қилиб кўрсатилди.

Советлар ишидаги ошкоравийликнинг актив формаларидан бири сайёр сессиялар, ижроия органларнинг, доимий комиссияларнинг сайёр мажлисларидир. Кейинги йилларда Андижон, Тошкент область Советлари масаланинг моҳиятига қараб сайёр сессия ўтказишмоқда. Бунда депутатлар, сессияга таклиф қилинган бошқа кишилар масалани чуқур ўрганмоқдалар ва қимматли мулоҳазалар, таклифлар бермоқдалар. Шу масалага онд камчиликларни бошқа жойларда йўқотишга ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Советларнинг сессияларида ошкоравийликни кучайтириш ҳақида партия кўрсатмаларига амал қилган ҳолда Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари биринчи сессияга тайёргарлик кўришда ҳам ошкоравийликка амал қилдилар. Масалан, Совет ижроия комитети составига таклиф этиладиган, бўлим ва бошқарма бошлиғи лавозимига тавсия этиладиган шахсларнинг исми ва фамилиялари, улар ҳақидаги маълумотлар сессиядан 3-4 кун илгари тегишли область, шаҳар газеталарида эълон қилинди, йирик корхона, муассаса ва ташкилотларда муҳокама қилинди. Қарор лойиҳалари Совет томонидан сайланадиган, тайинланадиган ва тасдиқланадиган мансабдор шахслар тўғрисидаги маълумотлар депутатларга сессия очилишидан анча олдин тарқатилди. Депутатлар бу масалалар юзасидан сайловчилар билан маслаҳат қилишга улгурдилар, ҳар бир масала ва шахс тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларн тайёр ҳолда сессияга келдилар. Натижада ижроия комитет, бўлим ва бошқармалар, уларнинг раҳбарлари шаънига илиқ сўзлар, ишдаги камчиликлари ҳақида танқидий мулоҳазалар, таклифлар айтилди.

Бироқ Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм ва Фарғона область Советлари ҳамда шу областларнинг кўпгина район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советларининг сессияларн эскичасига, ҳеч қандай янгиликсиз, ошкоравийликка амал қилинмаган ҳолда ўтди. Одат бўлиб қолгани каби ижроия комитет состави ҳақида, бўлим ва бошқармаларнинг бошлиқларига таклиф этиладиган шахслар ҳақида депутатлар фақат уларни таклиф этилгандагина билдилар, холос. Бунда ҳам уларнинг ким эканлиги, касби нима, қаерларда ишлаган, нима ишлар қилгани ҳақида маълумотлар айтилмади. Бундай аҳволда қарор лойиҳалари, таклиф этилаётган номзодлар ҳақида депутатлар нима ҳам айта олади. Шу боисдан улар ўз фикр ва мулоҳазаларини изҳор қилмоқдалар.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, Советларнинг биринчи сессиялари фақат ташкилий масалаларни кўриб чиқиш учунгина эмас, балки маълум даражада депутатларга ахборот бериш учун ҳам ўтказилади. Бу сессияда Советга бўйсунувчи органларнинг раҳбарларини барча депутатларга расмий таништириш, бу органлар нима ишлар билан шуғулланишларини айтиш билан бирга шу органларнинг раҳбарлари депутатларга нисбатан қандай муомалада бўлишларини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Ижроия комитет раҳбарлари ўртасида тақсимланган ишларни депутатлар билиши шарт. Бундай ахборотлар депутатларга ўз фаолиятларини амалга оширишда катта ёрдам беради, қайси масала билан кимга мурожаат қилиш зарурлигини билиб олади.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, партия экономикани жадаллаштириш, ижтимоий ҳаётни қайта қуриш йўлида ҳамма вақт олдинга интиладиган, ташаббусли, тадбиркор, шаҳдам, ҳар томонлама чуқур ўйлайдиган кишиларни қўллаб-қувватлайди. Бундай одамларни топиш осон иш эмас, уларни фақат анкетасига қараб аниқлаб бўлмайди. Уларни халқ билан маслаҳат қилиб, демократик йўл билан, ошкоравийликка амал қилган ҳолда саралаб олиш мумкин. Шунинг учун ҳар бир раҳбар ходимни аввало унинг ишлаб турган меҳнат коллективида муҳокамадан ўтказиш, шу коллектив жамоат ташкилотлари фикрини олиш, яшаб турган жойидаги аҳоли фикрини олиш билан танлаш ва сўнгра Советнинг муҳокамасига қўйиш зарур.

Совет ва унинг органлари ишида ошкоравийликни таъминлашнинг яна бир формаси газета ва радио орқали ахборот беришдир. Бир қатор область, район, шаҳар газеталари маҳаллий Советларнинг сессиялари, ижроия комитет мажлислари ҳақида, баъзи бир депутатларнинг ишлари, наказларнинг бажарилиши ҳақидаги ахборотларни тез-тез ёритиб турибдилар, маҳаллий радио орқали ҳам ахборотлар берилмоқда. Бироқ бу ҳали аҳолини қониқтирадиган даражада эмас. Улар Совет фаолияти ҳақида, улар қабул қилаётган қарорлар ҳақида кўпроқ билишни истайдилар. Бу албатта қонуний талаб.

Халқ депутатлари область Совети тўғрисидаги Қонуннинг 41-моддасида «Халқ депутатлари область Советининг сессиялари тўғрисидаги информацион ахборотлар, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалалари хусусидаги қарорлар матбуотда эълон этилади, радио ва телевидение орқали эшитгирилади, шунингдек оммавий ахборотнинг бошқа воситалари орқали аҳолига маълум қилинади» деб белгилаб қўйилган. Худди шундай қонда бошқа Советлар тўғрисидаги қонунларда ҳам бор. Лекин шунга қарамай баъзи область ва кўпгина район, шаҳар газеталари Советнинг сессияси тўғрисидаги қисқагина ахборотни беришдан нарига ўтаётгани йўқ. Совет территориясидаги барча корхона, муассаса ва ташкилот ҳамда гражданларга тааллуқли бўлган қарорлар матбуотда эълон қилинмайди. Ижроия комитетнинг, доимий комиссиянинг мажлиси ҳақида, депутатларнинг ҳисоботлари ҳақида камдан-кам ахборот берилади.

Советларнинг қарорлари Совет ижроия комитети томонидан тегишли ташкилотлар, мансабдор шахслар ва гражданларга ўн кунлик муддатдан кечиктирмай маълум қилинади, деган қонунинг кўрсатмаси кўпчилик Совет ижроия комитетлари томонидан бажарилмай келмоқда.

Советлар ишида ошкоравийлик принципини тўла амалга ошириш, уни тобора кенгайтириб бориш социалистик ўз-ўзини бошқариш билан узвий боғлиқ бўлган актуал сиёсий вазифадир. Бу вазифа партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шу йилги январь ва июнь Пленумлари материалларида кўзда тутилган социалистик демократияни янада такомиллаштиришдан келиб чиқади. Аҳолига ҳар бир ишнинг, воқеанинг аҳволини оқилона танқидий анализ қилиш асосида объектив тўлиқ, рўй-рост ахборот бериш, меҳнаткашларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олиш орқали улар активлигини ошириш бугунги кунининг талабидир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НУКУС. (ЎзТАГ). Ўн биринчи чақириқ Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг еттинчи сессиясида депутатлар экономика ва социал соҳада туб қайта қуриш йўлларини муҳокама қилдилар. 1988 йилда Автоном республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат плани ҳамда Давлат бюджетини тасдиқладилар. Сессия республиканинг плани ва бюджети тўғрисидаги Қонунларни, шунингдек, планнинг бу йил қандай бажарилаётганлиги ҳақида ва 1986 йилда бюджетнинг ижроси тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Сессияда уй-жой программаси қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди ҳамда КПСС XXVII съездининг талаблари асосида уй-жой қурилиши сифатини яхшилаш чоралари белгиланди.

Республикада социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашни кучайтириш юзасидан кўрилаётган чоралар тўғрисида Қорақалпоғистон АССР прокуратурасининг ахбороти тингланди.

Сессияда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов нутқ сўзлади.

Бугун — республикамизда Ягона сиёсий кун ўтказилади

БУТУН КУЧ — ҲОСИЛНИ ТЕЗ ВА СОЗ ТЕРИБ ОЛИШГА!

● УТГАН КУНИ РЕСПУБЛИКА ПАХТАЗОРЛАРИДАН 52861 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИБ ОЛИНДИ. МАВСУМ БОШИДАН БЕРИ ТАЙЁРЛАНГАН ПАХТА 4097809 ТОННАДАН ОШДИ.

● БИР КУНДА «ЗАНГОРИ ҚЕМА»ЛАР БУНКЕРИДАН 16802 ТОННА, МАВСУМ БОШИДАН БЕРИ ЭСА 1805055 ТОННА ХОМ АШЁ ТЎКИЛДИ.

ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИ

11 ноябрь куни энг юқори кўрсаткичга эришганлар:

Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози. Хўжалик миришкорлари йиллик планнинг 3,1 проценти миқдорида пахта топширдилар.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг Хилватилла Йўлчиев бошлиқ бригадаси аъзолари топшириқнинг 5,9 процентига тенг «оқ олтин» териб олдилар.

Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз механизатори Матлуба Охунова ўз агрегати бункеридан 4 тонна дурдона тўкди.

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз теримчиси Марҳамат Ҳасанова хирмонга 250 килограмм пахта топширди.

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 12 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан
Сурхондарё	0,93	87,85	0,48	90,18
Бухоро	0,71	86,88	0,80	72,91
Хоразм	0,55	86,59	0,57	47,84
Жиззах	1,05	78,66	0,73	67,06
Тошкент	1,08	78,05	0,42	64,55
ҚҚАССР	0,72	77,66	0,27	64,54
Сирдарё	0,95	73,40	0,83	76,58
Фарғона	1,15	69,17	0,06	29,83
Қашқадарё	0,84	63,08	0,86	58,54
Наманган	1,24	62,34	0,70	41,32
Самарқанд	1,03	58,75	0,42	47,22
Навоий	0,75	57,09	0,79	48,50
Андижон	0,89	52,50	0,12	19,68
Республика бўйича:	0,92	71,64	0,53	56,41
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
НАВОИЙ	2,84	147,02	3,96	94,32
СУРХОНДАРЁ	1,25	108,10	0,75	129,29
Қашқадарё	1,26	76,18	1,67	101,45
Наманган	1,14	69,02	—	—
Бухоро	0,79	38,86	1,27	24,36
Республика бўйича:	1,27	95,59	1,10	115,37

• Матбуот маркази учун интервью

ҲАММАСИНИ ОДАМЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Шу мавсумда андижонлик пахтакорлар қаттиқ чидам ва уюшқоқлик имтиҳонидан ўтмоқдалар. Бугунги кунда неча ўн минг гектар биринчи терим далаларини қор қоплаб ётибди. Бунга иккинчи терим далалари ва машина теримидан кейин қўл тегизилмаган далалар кирмайди. Аҳвол қийин. Лекин деҳқонлар ҳам, шаҳарлик ёрдамчилар ҳам бутун ҳосилни сўнгги чигитигача териб олишга маҳкам бел боғлагандир.

Хўш, теримни ташкил этишда, дала меҳнаткашлари учун нормал меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишда касаба союзлар қандай роль ўйнайди! Касаба союзлари область Советининг раиси М. Г. МУЗАФФАРОВА ЎзТАГ мухбири К. НИЗОМОВга шулар ҳақида гапириб берди.

— Табиатнинг бундай асовлигини ҳеч ким кутмаган бўлса-да, об-ҳаво бузилишига тайёргарлик кўргандик. Касаба союзлари область Совети президиуми терим бошланишидаёқ теримни ташкил этишда хўжаликларга амалий ёрдам беруччи ишчи группа тузганди. Группа аъзолари касаба союз активига суяниб, пахтакорларнинг кайфиятига таъсир этадиган ҳамма нарсани: дала шийпонларинг аҳволини, овқат сифатини, савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш корхоналарининг ишини назорат қилиб турибдилар. Вужудга келувчи ҳамма проблемаларни бюрократизм ва сансалорликдан ҳоли тарзда шу ернинг ўзидаёқ ҳал этяпмиз.

Биринчи навбатда табиий офатдан қўпроқ зарар кўрганлар тўғрисида қайғурдик. Масалан, агросаноат комплекси ходимлари касаба союзининг область комитети Андижон районидаги «Москва» совхозининг ишчиларига ёрдам бериш учун 5 минг сўм ажратди. Уларнинг уйлари кейинги ҳафталарда бўлиб ўтган кучли ёғингарчилик туфайли сизот суви кўтарилиши натижасида шикастланганди.

Биз колхоз ва совхозлар касаба союзлари ихтиёрида бўлган маблағлардан колхоз ва совхозларга моддий ёрдам бериш учун қандай қилиб энг кўп самара билан фойдаланиш тўғрисида ўйлаб кўрдик. Бу маблағларнинг анча қисми айни шу кунларда сарфланди. Касаба союз активлари ҳозир ҳамма хўжаликларда ҳовлима-ҳовли айланиб чиқмоқдалар. Натижада моддий ёрдам бериш тўғрисида дарҳол қарор қабул қилинмоқда. Бу пулларга шу ернинг ўзида зарур молларни, шу жумладан харидоргир молларнинг харид этилишига ҳаракат қилдик. Чунончи, бу молларни автолавкалар кишиларнинг яшаш жойига элтиб беради.

Қўшимча проблемалар ҳам чиқмоқда, албатта. Шулардан бири тўғрисида алоҳида гапиришни зарур, деб ҳисоблайман. Магазинларда чигит мойи, кир совун, кир ювиш порошоги, калиш етишмаслиги тўғрисида қишлоқ аҳолисидан кўп эътирозлар эшитиб туришимизга тўғри келмоқда. Ўзбекбирлашув раҳбарлари қишлоқ аҳолисини кундалик моллар билан таъминлашни яхшилашда бизга ёрдам беришларини хоҳлардик.

Область колхоз ва совхозларида 2.529 та дала шийпони ишлаб турибди. Ҳамма ерда иссиқ овқат ташкил қилинган. Кўпгина шийпонларда мавсумий боғчалар очилган. Аммо ҳавонинг бузилиши бу боғчаларни зарур ёқилғи заҳираси билан таъминлаш муаммосини олдимизга қўйди. Социал соҳанинг бошқа хизматлари ҳам ёқилғига муҳтож. Бу масала Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида ҳам ўртага қўйилди. Фурсатдан фойдаланиб, республиканинг тегишли идоралари раҳбарларига буни яна бир карра эслатиб қўйишни хоҳлайман.

Бой берилган вақтни етказиб олиш учун қизғин ишлашимизга тўғри келади. Социалистик мусобақа катта роль ўйнаши керак. Яқинда агросаноат ходимлари касаба союзи область комитети президиуми Бўз районида мусобақани ташкил этиш масаласини муҳокама қилди. Шунда орттирилган тажриба умумлаштирилди, камчиликлар очиб ташланди ва бу камчиликларни йўқотиш учун қатъий чоралар белгилаб чиқилди, шу чоралар амалга оширилмоқда.

Ҳосилнинг тақдирини одамлар ҳал қилади. Улар учун энг яхши шароит яратиб бериш бизнинг вазифамиздир.

(ЎзТАГ).

СССР–ҲИНДИСТОН: Дўстлик фестиваллари

СССРда Ҳиндистон фестивалининг кўпёқлама программаси совет кишиларининг маънавий ҳаётида ҳақли равишда муҳим ўрин олди. 11 ноябрь куни Москвада Совет — Ҳиндистон фестивалларига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида СССР маданият министри В. Г. Захаров шу ҳақда гапирди.

У кўрикнинг жуда катта муваффақияти энг дадил айтилган фикрлар ва тахминларни ҳам оқламоқда, деб таъкидлади. Фестиваль Совет ташкилот комитетининг фахрий раиси М. С. Горбачевнинг иккала байрам «халқ оммаси дипломатияси»нинг тимсолидир, деган сўзлари тасдиқланди. Иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ана шу ноёб формасини ривожлантиришда дарҳақиқат айни кенг омма бош ролни ўйнай бошлади. «Ҳиндистоннинг классик санъати ва анъанавий ҳунарлар» каби оммавий виставкаларни, Ҳиндистон артистларининг концертларини келиб кўрувчилар сони миллион-миллион кишига боради.

Ҳозир совет маданият ва маориф, фан ва техника намояндалари, спортчилар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб Ҳиндистонда ўтказиладиган СССР фестивалига тайёрланмоқдалар. 21 ноябрь куни Деҳлидаги Президент саройи ёнида фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлади, сўнгра у Неру номидаги стадионда давом эттирилади. Бу ерда етакчи бадиий коллективлар концерт бериб, кўпмиллатли совет санъати ютуқларини намойиш этади. Дўстлик байрамининг биринчи куни Деҳлида В. И. Ленин ҳайкали очилиши кўрикнинг энг муҳим воқеаларидан бири бўлиб қолади.

Ҳиндистонда СССР фестивали бир йил давом қилади. Шу вақт ичида СССРдан борган юзлаб меҳмонлар мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида бўладилар, икки мамлакатнинг бир-бирига саёҳатчилар группасини юбориши кенгаяди. Ҳар хил конференциялар, семинарлар, симпозиумлар бўлиб ўтади. Буларда ижтимоий ҳаётнинг кўпгина проблемалари тилга олинади, ҳамкорликни, тинчлик учун биргалашиб олиб бориладиган курашни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади. Махсус ёшлар программаси ташкил қилинади.

Фестивалнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда мамлакатимизнинг йирик бадиий коллективлари, кўпгина атоқли маданият усталари қатнашади. Ҳиндистонлик томошабинлар СССР Большой театри балет труппаси ва оркестрининг, И. Моисеев раҳбарлигидаги СССР Давлат халқ рақс ансамбли, «Березка» ансамбли, циганлар «Ромэн» театрининг, С. Образцов раҳбарлигидаги Давлат марказий кўғирчоқ театрининг санъати билан танишадилар. Совет Иттифоқидаги етакчи драма коллективларидан бири — Горький номидаги Ленинград драма Катта театри Осиёда илк бор томошалар кўрсатади. Ҳиндистонга гоят хилма-хил жанрлардаги жами 50 дан ортиқ профессионал ва ҳаваскорлик театр ва ансамбли боради.

Ҳаёт дастлабки режаларга тузатишлар киритди, деб таъкидлади нотиқ. Ҳиндистон бошига тушган қаттиқ табиий офатлар муносабати билан Совет Иттифоқининг ҳар бир коллективи қурғоқчилик ва сув тошқинидан жабр кўрганларга ёрдам фондига бир мартадан концерт ёки спектакль кўрсатишга қарор қилди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда, маориф, адабиёт ва санъатда эришилган ютуқларни акс эттирувчи хилма-хил экспозициялар Ҳиндистоннинг кўпгина шаҳарларига юборилади. «Москва Кремлининг хазинаси», «Эрмитаж хазинаси» ва «Октябрь бунёд этган санъат» виставкалари шулар жумласидандир. СССР халқи билан Ҳиндистон халқи ўртасидаги алоқаларнинг тарихи тўғрисида тузилган «Дўсти — Дружба» экспозициясининг материаллари қизиқишга сазовор бўлиши, шубҳасиздир. Совет кинолентали мамлакатнинг 12 та шаҳрида бутун йил мобайнида намойиш этилади.

СССР маданият министри Ҳиндистонда бўладиган СССР фестивали давлатларимиз ҳар томонлама алоқаларини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб, халқаро муносабатлар инсонпарварлик руҳида бўлиши ишига кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Журналистларнинг берган саволларига жавоблар қайтаридли.

(ТАСС мухбири).

ҲОСИЛ-87

ФУРСАТ ҒАНИМАТДИР, БОБОДЕҲҚОНИМ,

• Терим техникаси ва ишчи кучларининг ҳаммасини пахтазорга сафарбар этиш, уларнинг самарали ишлашини таъминлаш суръатни ошириш гаровидир.

• Қуритиш-тозалаш цехларининг узлуксиз, тўла қувват билан ишлаши таъминлансин.

Ўтган йиллардаги аҳволдан тегишли хулоса чиқариб, пахтачиликда кескин ўзгариш бўлишига эришиш район партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасига айлантирилди. Бошланғич партия ташкилотлари бу вазифани амалга ошириш учун биринчи навбатда ўрта бўғин кадрлари, шунингдек, оддий пахтакорлар ва механизаторлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишни кучайтирдилар. Цех партия ташкилотлари ва партия группалари амалий иш марказига айлантирилди.

Коммунистлар ва партиясиз активларнинг диққат эътибори пахта етиштириш ва уни йиғиштириб олишнинг илғор технологиясини жорий этиш, деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини дадиллик билан қўлланишга қаратилди. Бу соҳада айниқса Крупская номли ва «Ленинград» колхозлари партия ташкилотлари жанговарлик кўрсатишди.

Крупская номли колхоз бошланғич партия ташкилотида туғилган ташаббус диққатга сазовордир. Шу хўжаликдан коммунист Бобоқул Раҳматов бошлиқ бригада пахтани интенсив технология асосида йиғиштириш, ҳосилни техникага таянган ҳолда 15 иш кунида йиғиштириб давлатга топшириш даъвати билан чиқди. Хўжаликдаги коммунистлар бошчилик қилаётган барча пахтачилик бригадалари аъзолари бу ташаббусга қўшилдилар. Район партия комитетининг бюроси ташаббусни маъқуллаб, уни ҳамма жойда кенг ёйди. Мавсумни муваффақиятли ўтказишни таъминловчи ташкилий-сиёсий тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди.

Крупская номли колхозда вужудга келган ташаббус мавсум синовидан муваффақиятли ўтди. Бобоқул Раҳматов бошлиқ бригада 14 иш кунида пахта топшириш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Умуман колхоз 34 иш кунида маррага етди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги арафасида бу колхоз пахтакорлари социалистик мажбуриятларини ҳам бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Ҳосилнинг 60 процентидан кўпроғи машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Бошқа коллективлар ҳам катта муваффақиятга эришдилар. «Ленинград» колхози районда иккинчи бўлиб рапорт берди.

Хўжалигимизда пахта тайёрлаш плани 109 процент қилиб бажарилди. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар билан териб олинди. Ана шу сабабли пахта йиғим-терими муваффақиятли кўп жиҳатдан механик-ҳайдовчилар ҳал этди, десам янглишмайман. Ўзим хирмонга 240 тонна «оқ олтин» тўкдим. Мусобақадошим коммунист Бозор Очилов эса икки қаторли машина билан 110 тонна пахта терди. Кундалик нормасини мунтазам ошириб бажараётган меҳнат илғорлари хўжалигимизда кўп. Ҳозир ҳам кунига машина билан бир тоннага етказиб пахта теришга эришяпман. Колхозимиз бундан бир йил муқаддам машина теримида районда энг сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб турган эди. Албатта, муваффақият калити партия ташкилотининг ишни қайта қуриб олаётганлиги, барча соҳаларда янгича иш услубларини кенг жорий этаётганлиги натижаси бўлди.

Бу йилги мавсумнинг шиддаткорлигида техниканинг роли беқиёсдир. Район хўжаликларида 141 та терим машинаси икки сменада тўхтовсиз ишлади. 44 та транспорт отряди териб олинган ҳосилни пешма-пеш қабул пунктларига етказиб берди. Кейинги ўн йилликда район биринчи марта кундалик ўсишни 3,7 — 4 процентга етказилишига эришди.

Механизатор ва теримчиларга меҳнат ва турмуш шароитлари яратиш район партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг кундалик энг муҳим вазифаларига айлантирилди. Барча агитатор ва сиёсий ахборотчилар, лекторлар ўз ўринларини ҳосил тақдири ҳал этилаётган ерда деб билдилар. Пахтакорларга кўрсатилаётган хизмат кўлами ва сифати район партия комитети аъзолари, халқ депутатлари ва халқ контроли органларининг доимий назоратига олинди.

Социалистик мусобақа ҳар куни якунлаб бориляпти. Ҳар бир бригадада «Жанговар варақа», «Кулги ойнаси», «Чақмоқ» сатирик деворий газеталари мунтазам чиқариб турилди. Уларда илғорлар тажрибаси оммалаштирилди. Терим суръатига тушов бўлаётганлар эса танқид остига олинди. Илғорларнинг меҳнати кўчма Қизил байроқ ва вимпеллар, қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди. Район маданият уйининг «Нурафшон» ансамбли дала шийпонларида байроқдорлар шарафига концертлар қўйиб берди.

Буларнинг ҳаммаси пировардида йиғим-теримни муваффақиятли ўтказишни таъминлади. Районимиз пахтакорлари йиллик планни 8 ноябрда бажардилар. Давлатга топширилган 36100 тонна пахтанинг 75 проценти биринчи сорт билан қабул қилинди. Крупская номли, «Ленинград», «Шарқ юлдузи», Навоий номли, Калинин номли колхозларнинг пахтакорлари умумий ғалабага энг кўп ҳисса қўшдилар.

Район партия ташкилоти йил бошида берган ваъдасига вафо қилди. Мактаб ўқувчилар ва студент ҳашарчилар теримга жалб қилинмади. Терим мавсуми мактаб ва ҳунар-техника билим юртларида дарсларнинг нормал ўтишига, саноат корхоналарининг иш маромига мутлақо зарар етказгани йўқ. Бу район партия ташкилоти амалга ошираётган қайта қуришнинг энг муҳим қиррасидир.

Районда терим мавсуми давом этяпти. Олотликлар республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасига жавобан етиштирилган «оқ олтин»нинг бир миқолини ҳам далада қолдирмай давлатга топширишга ва айни пайтда келгуси йил учун пухта тайёргарлик кўришга қарор этишган. Она-Ватанга яна 2 минг тонна сифатли хом ашё топшириш учун зардбор меҳнат вахтаси давом этади.

Ҳамро ХУЖАҚОВ,
Олот районидаги «Оқолтин» колхозининг механик ҳайдовчиси, район партия комитетининг аъзоси.

Уюшқоқлик ва ташкилотчилик самараси



Суратда: Бухоро областининг Ленинград пахта тайёрлаш пунктида оқшом пайтида айниқса иш қизғин бўлади.
С. Величкин фотоси (ЎзТАГ).

◆ Тошлоқ районидаги «Оқолтин» колхозининг М. Нуриддинов бошлиқ 8- бригадаси аъзолари бу йил 76 гектар майдонга барака уруғини экишган эди. Пахтакорлар эрта баҳордан фидокорона меҳнат қилдилар. Шу туфайли ҳамма пайкалларда мўл ҳосил етилди.

ИЛҒОРЛАР САФИДА

Миришкорлар ҳосил чўғини чамалаб пландаги 33 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» териб олиш мажбуриятини олдилар. Бу йилги шароитни ҳисобга олган бригада аъзолари асосий эътиборни йиғим-теримни механизациялашга қаратишди. Натижада мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ юқори суръат таъминланди. Пахтанинг асосий қисми машиналар ёрдамида терилди. Айни кунларда даладаги қолган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун бутун куч ва имконият ишга сафарбар этилган. Суратда: бригада бошлиғи М. Нуриддинов механизаторлар С. Йўлдошев ва Т. Тошболтаев билан пахтазорда.

А. ҚОСИМОВ фотоси.

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Нафиса Рўзиева бошлиқ бригада пахтакорлари ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йилини меҳнатда катта муваффақият билан якунламоқдалар. Улар далаларда мўл ҳосил етиштириш билан бирга уни ўз вақтида йиғиб-териб олишга барча ишчи кучларини сафарбар этганликлари, машиналар қувватидан унумли фойдаланганликлари туфайли ялпи хўжалик планини муддатидан илгари ошириб адо этишга муваффақ бўлишди. Ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиштириб олишди.

Ҳали далаларда ҳосил сероб. Депутат бошлиқ бригада заршунослари унинг бирор миқолини ҳам нест-нобуд қилмай она-Ватан омборларига топшириш учун йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттиришаётир. Суратда: Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи Н. Рўзиева.

А. ТУРАЕВ фотоси.

ИККИ ХЎЖАЛИК РАПОРТИ

Юбилей йилини муваффақиятли якунлаш бўйича социалистик мусобақага актив қўшилган Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхози меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажардилар. Республика хирмонига 6860 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди.

Бу муваффақиятга терим техникасидан унумли фойдаланилганлиги туфайли эришилди. Дала гвардиячилари жами ҳосилнинг 5700 тоннасини «пўлат этаклар»дан тўкиб, машина терими планини 133 процент қилиб адо этишди. Тўрахон Чорнев, Чори Самадов, Абдуҳаким Нариманов, Сафар Аллоёров каби моҳир механизаторларнинг ҳар бири агрегатлар бункеридан 150—170 тоннадан дурдона тўкишди.

Хўжаликда юқори ҳосилли бўлим ва бригадалар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳожимуродов, Сафаров, Чоршанбоевлар бошлиқ бўлимларнинг коллективлари муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар.

Совхоз миришкорлари ўз имкониятларини чамалаб, ялпи хирмонни 7500 тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

* * *

Райондаги «Қизил Октябрь» колхозидан йиллик пахта тайёрлаш плани адо этилганлиги ҳақида хушхабар олинди. Колхоз меҳнат аҳли она-Ватанга 6151 тонна «оқ олтин» етказиб беришди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 32,5 центнерни ташкил этди. Тайёрланган пахтанинг 4432 тоннаси биринчи сортларга, 2000 тоннаси уруғлик учун топширилди.

Чевар теримчиларнинг ғайрати ҳам таҳсинга лойиқ. Насиба Жуманазарова, Рўзихол Одилова, Улғузи Йўлдошева, Зуҳра Менгнарова каби пешқадам теримчилар хирмонларнинг тезроқ юксалишига баракали улуш қўшдилар.

Хўжаликда йиғим-терим уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Миришкорлар яна 300 тонна пахта тайёрлаш учун далаларда иш маромини сусайтиришмаяпти.

ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИ

ЁКИ АНА ШУ МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛМАСЛИГИНИНГ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ ХУСУСИДА

Пискент районидаги қишлоқ меҳнаткашлари юбилей йилида давлатга 43 минг тонна пахта топширишлари керак. Ана шу режани амалга ошириш йўлида меҳнатни ташкил қилишнинг пудрат усулига ўтиш бу соҳада муҳим қадам бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Райондаги мавжуд 184 пахтачилик бригадасининг жами бригада ва оилавий пудратга ўтказилгани пировард натижа самарадорлигини таъминлашда янги босқич бўлади, деб ўйлаймиз. Лекин ана шундай самарадорликка эришишда бир қанча муаммолар бор. Уларни тўғри ҳал қилиш йўлини топмасдан туриб муваффақиятлар тўғрисида ўйлаш қийин.

Пудратга ўтиш-оддий дала меҳнаткашларини ўз ерларининг ҳақиқий хўжайини қилиб қўйди. Эндиликда бригада аъзолари моддий-пул ресурсларини тақсимлаш имконига эгадирлар. Деҳқонларнинг моддий жиҳатдан таъминланиш даражаси эса биринчи навбатда хўжаликлар маъмуриятининг бригада ёки оилавий звено билан тузган шартнома мажбуриятларини қай тарзда бажаришига боғлиқ. Афсуски, хўжаликлар маъмурияти деҳқонлар билан тузилган шартномани кўпинча тўла бажаришмаётир. Буни техника воситаларига эҳтиёт қисмлар етказиб берилмаётгани билан изоҳлаш мумкин. Натижада бригада ва звеноларнинг агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли бажара олишмаяпти. Бу, ўз навбатида ҳосилдорликка, хусусан, меҳнаткашлар даромадининг пасайишига олиб келади.

Район бўйича пахта экиладиган майдон 15 минг 110 гектарни ташкил этади. Шундан 2300 гектари ёки 15 процента тошлоқ ерлардир. Маълумки, бундай майдонларда культиваторларнинг панжа ва наральникларини одатдаги ерларга қараганда икки, икки ярим баравар кўп алмаштирилади. Лекин улар хўжаликларга эҳтиёждагидан анча кам ажратилаётир. Масалан, область агросаноат комитети томонидан бу йил вегетация даврида район колхоз-совхозлари 5949 та панжа ва 19152 та наральник билан таъминланиши зарур эди. Аслида эса хўжаликлар 2950 та панжа, 8040 та наральник олдилар, холос. Бу районнинг эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини ярмисигагина тенгдир.

Хўш, шундай аҳволда хўжаликлар маъмурияти пудратчи бригада ва оилавий звеноларни шартномавий мажбуриятда кўзда тутилган эҳтиёт қисмлар билан қандай қилиб таъминлаши мумкин? Умуман, шартномалар тасдиқланаётганда шулар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрилса бўлмасмиди?

Областда пахта йиғим-терими қизғин бораяпти. Меҳнатни ташкил этишнинг янги формасига ўтиб ишлаётган коллективларнинг юбилей йили хирмонига қўшадиган ҳиссаси салмоқли бўлиши шубҳасиз. Лекин пудратчиларнинг ҳаммаси ҳам зиммаларидаги вазифаларни бажара олармикинлар? Чунки аввалги йиллар тажрибаси кўпгина пудратчи коллективлар ҳосилни ўз кучлари билан териб ололмаганликларини кўрсатди. Натижада ўқувчи, студентлар ва бошқа ҳашарчилар теримга жалб қилинди. Уларга бригадалар фондидан ҳақ тўланди. Бу ҳол таннархнинг қимматлашуви, пахтакор даромадининг пасайишига олиб келди. Хўш, бу муаммони ҳал қилишнинг йўли борми? Бор. Менимча мавжуд пахта терим машиналарининг айрим қисмларига ўзгартиришлар киритиш орқали уларнинг унумдорлигини ошириш мумкин. Масалан, одатдаги шпинделларни спирали шпинделларга тўла алмаштириш керак. Чўткали ва шпинделли барабаннинг таг асосини янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Чўткали барабаннинг қўйи золдирли подшипниги тез-тез ишдан чиқиб туради. Шу боисдан мавсум давомида уни бир неча марта алмаштиришга тўғри келади. Агар мустаҳкамлиги оширилган подшипник билан алмаштирилса, вақтдан ютилади. Шпинделли барабаннинг қўйи дискасига бириктирилган шпинделнинг таг асоси бўш уланганлиги учун ҳам машина иш жараёнида тебраниб туради. Шунинг учун унинг мустаҳкамлилик даражасини қайта кўриб чиқмоқ керак.

Машина бункери хусусида ҳам фикрлар йўқ эмас. Унинг ҳажмини зичламасдан бир тоннагача пахта сиғадиган ҳолатга келтириш мумкин. Трактор тележкасини эса зичламасдан икки тоннагача пахта жойлашадиган қилиб кенгайтириш керак.

Маълумки, машинанинг иш жараёнида Д-240 двигатели қизиб кетиши сабабли ишдан чиқади. Бу қусурни тугатиш учун эса оддий ечим талаб қилинади. У ҳам бўлса, «зангори кема» пахта териш блокини Т-28Х4М тракторига осишдир.

Ҳосилни тоза, сифатли, ерга тўкмасдан йиғиб-териб олишда ХНП-1,8 маркали терим машинаси шпиндели айланишини нормал ҳолга келтириб қўйиш ва уни дала ҳамда ўсимлик ҳолатига қараб созлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бир хил созланган машиналар ғўзаси ҳар хил ўсган далаларда тўла очилган пахтани териб олишда ҳар хилликка йўл қўяди.

Хуллас, юқоридаги каби камчиликларга барҳам берилса терим машиналари меҳнат унумдорлигини 30-35 процент ошириш мумкин, деб ҳисоблайман. Бундай шароитда қўл меҳнати ва шаҳарлик ҳашарчиларни жалб этишга эҳтиёж қолмасди.

Энди гап Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раҳбарлари ва мутахассисларида қолган. Ўйлаймизки, улар бу борада конкрет фикр-мулоҳазаларини айтишади.

ЛИМ ШЕН ДЕ,
Пискент район агросаноат бирлашмаси бош инженери.

• Ёзувчилар пахта далаларида

ПАХТА БИРЛА...

Кимлар экан бўлса ўзлари
Йиғиб олсин, деган гап бекор.
Кенг очилсин улар кўзлари — Бугун ҳамма пахтакор!
Кампир чолни туртинлар тонгда,
Тонг қаёқда, бу ярим наҳор.
Оппоқ пахта — тонг эрур онгда,
Бугун ҳамма пахтакор!
Йигит-қизлар висоли ҳали
Тугамаган, бу тонг нобакор.
Висолларнинг келгайдир гали,
Бугун ҳамма пахтакор!
Қўй, сен ухла болажон, ухла,
Катталарнинг иши бу эниҳор.
Маъсум лаб-чи пичирлар аста:
«Бугун ҳамма пахтакор!»

Дарҳақиқат шундай. Биз Косон районидаги пахтазорларини кезар эканмиз, бунга амин бўлдик. Бу ерда 412 та «зангори кема» билан бир сафда 14.584 киши қўл теримида қатнашмоқда. Масалан, 92-автобазадан ўттиз етти шофёр ўз меҳнат таътилини пахтазорларда ўтказишга қарор қилди.

Косон районидаги бир неча йилдан буён давлатга пахта сотиш планини бажармай келарди. Лекин бу йил ўша аҳвол такрорланмаслиги учун барча кучлар сафарбар этилди. Сифатли шудгор шу кунлардаги ютуқни таъминлаяпти. Икки қаватли плуг жуда қўл келди. Бу плуг илгари ҳам бор эди, аммо баъзи раҳбарларнинг «ишбилармонлиги» билан ишлатилмасди, унинг хосияти шундаки — ер чуқур ҳайдалиб ағдарилса, бегона ўталафлар қайта ўсиб чиқолмайди.

Косон районидаги бу йил Қашқадарё областида дастлабки ўринларда бормоқда. 28900 гектар ерга пахта экилган. Шундан 9 минг гектари «Аш-25» навли ипак пахта. Шунча катта майдонга бу навнинг экилиши сабабини район хўжаликларининг катта-кичик раҳбарлари қуйидагича изоҳлайди.

— Районимиз давлатдан 64 миллион сўм қарз бўлиб қолган. Буни қоплашнинг ўзи бўлмайди. Шу сабабли ипак пахта экишга катта эътибор бердик. Чунки ипак пахтанинг бир тоннаси 1580 сўм туради оддий пахтанинг бир тоннаси эса 800 сўм...

Доҳийимиз В. И. Ленин номидаги совхоз. Директор яқинда бўшабди. Хўжаликни ҳозирча ёш, шижоатли йигит М. Орзиев бошқараётган экан. Совхоз йўлларидан ўтар эканмиз, тут расталарига эътибор берамиз. Бу тут ипроқлари ҳар йили қуриб-қовжираб қоларди. Бутифос пахтага ҳам, тутларга ҳам сепилиб кетилаверарди, шунинг натижасида пилла қуртлари ҳам касалликка чалинарди.

— Тупроғимиз қуйиб, шўрлаб кетган, — дейди М. Орзиев ошкора ачиниб,— масалан, бизнинг совхозда 500 гектар ер шўрланган, уларнинг шўрини ювиб фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз... Совхознинг боғлари, токзорлари, қўйинги, одамларнинг чорбоғларигача шўрдан қуриб кетди. Лабораторияда тупроғимизни текширтирдик. Тузи 7 процент, бу — ўсимлик кўкармайди, дегани. Аммо ғўзаларгина чидаб турибди...

Совхозда пахтакорларга яхши шарт-шароит яратиб берилган. Вақтни тежаш маъносида, далаларда меҳнат қилаётган механизаторларнинг уйларига ун, гуручгача ташиб берилади.

— Агар деҳқон меҳнати ўз вақтида қадрланса, иш ҳақи инсоф билан ўз вақтида берриб борилса, улар чин дилдан ишлайди, — деб гапини тугатади ёш директор.— Афсуски кўп йиллар шундоқ бўлмади. Ҳозир теримчилар 1 килограмм ипак пахтага 12 тийиндан, оқ пахтага 10 тийиндан ҳақ олмоқда. Иш ҳақи ҳар беш кунда тарқатилади. Илгари одамлар теримдан қочишарди, эндиликда улар ўзлари далага чиқишяпти.

Маршал Чуйков номли 39-совхознинг ҳозирги майдонлари бир вақтлар шувоқзор эди. Бу ерларнинг ўзлаштирилганига ҳам олти йил бўлди. Гарчи минг гектар пахта майдони шўрланган бўлса-да, ҳали икки минг ўттиз гектар майдон гектаридан 15 центнердан ҳосил бермоқда. Совхозда Суяр Рустамов, Боймурод Эсонов, Хуррам Маҳаматўраев, Сафар Холбоев бошлиқ бригадалар планларини ошириб бажариб, мажбурият ҳисобига пахта топширишмоқда.

— Машиналарга таянганлар ютди, — дейди совхоз директори Ў. Каримов. — Бу борада Баҳром Султонов, Ҳусан Маҳмудов каби механизаторларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар ҳозиргача 160—170 тоннадан «оқ олтин» теришди.

Тўртинчи бўлимнинг 2-бригада етакчиси Масъума опа Муродова оиласи 1985 йил Қамаши районидан — олис тоғ қишлоғидан кўчиб келишди. Бултур 70 тонна пахта теришганди. Бу йил эса бригада аъзолари 80 тонналик маррани кўзлаб меҳнат қилишмоқда. План эса 55 тонна эди. У аллақачон бажарилди. Саломат Муродова, Ойша Холмуродова, Шарофат Примова каби аъзолар 100—150 килограммгача пахта теришмоқда.

Маъсума опа 13 фарзандининг онаси. Икки йилдан буён бригадирлик қилади.

Бу ерда ажойиб меҳнатсеварлар бўлишига қарамай, уларга яхши шарт-шароит яратиб берилмаган. Бригада аъзолари тунда ҳам шийпонда ётиб қолишар экан, кўпи болалик. Шийпонда эса ҳатто электр чироғи ҳам йўқ.

1-бўлимнинг Жўрамурод Эгамшукуров бошчилик қилаётган 4-бригадасида атиги битта пахта териш машинаси ишлаяпти. Ҳосил эса мўл.

Умуман, Қашқадарё воҳасида бу йил пахта териш машиналари етишмайди. Нишон райони далаларини кезганимизда ҳам шундай ҳолга дуч келдик.

Қарши район «Октябрь 60 йиллиги» совхози далаларида 18 та терим машинаси ишламоқда. Сайфулла Эшниёзов, Зиёдулла Мўминов, Қаҳрамон Чўлиев бригадаси олдинда бораяпти.

...Деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги кўнгилдагидек бўлса иш юришаверади. Биз «Қарши» совхози далаларида бўлганимизда бунга амин бўлдик. 2-агроучасткага Чинор Юсупов бошчилик қилмоқда. Теша Лутфуллаев, Тўқсон Бўронов бригадалари маррага етдилар. М. Рауфова, Р. Назарова, М. Самалова каби теримчилар 100—120 килограммдан «оқ олтин» териб, ўз дугоналарига ўрнак бўлмоқдалар. Ҳар куни 7—8 тоннадан пахта тераётган Ғайбулла Бегимқулов, Жуманали Пайғомов, Жўра Қўчқоров каби қалби қайноқ механизаторларни ҳам шарафламаслик мумкин эмас.

Ҳа, бугун катта кичикдан, кичик каттадан, деҳқон ишчидан, ишчи зиёлидан миннатдор. Ирмоқлар, жилғалар катта дарёга айланган кун бугун. Чунки бугун ҳаммани пахтазор, пахта ташвиши янада чамбарчас бирлаштириб турибди.

Азим СУЮН,
Маъруф ЖАЛИЛ.

ҒАЙРАТ ҚИЛ, ЮКСАЛСИН ТЕЗРОҚ ХИРМОНИНГ

• *Пахтазор мадҳи*

Жуманиёз ЖАББОРОВ

КЎНГЛИМДАГИ ГЎЗАЛ

(ПАХТАКОР ҚИЗГА)

Кўнглимдаги гўзал.
Кимдир ул санам,
Тушимга, ҳушимга солган ғалаён!
Балки бир сарвқад,
Беллари там-там,
Сийм тан, садаф тиш, шўх моҳи тобон!
Балки шуурида,
Тасаввурида
Жаҳонлар айланган оқила тенгсиз!
Ва ё офтобнинг
Шаффоф нурида
Ярқираб кўринган энг хаёлий қиз!
Балки бир нозанин,
Дилбар, парвиш,
Ҳар кўли минг ҳунар, санъатда моҳир!
Ким у қалбимдаги
Абадий оташ,
Меҳрим дарёсида танҳо жавоҳир!
Юрганда йўлимда,
Ишда, қўнимда
Бир лаҳза кўзимдан тушмагай айру.
Ҳамиша ёнимда,
Дони жонимда
Борлиғим забт этган ўшал парирў.
Мен уни қидириб
Йўл босдим йироқ,
Ўтдим водийлардан, тоғлар белидан.
Изимда қолдилар неча
Бир қирғоқ,
Дарагин изладим тонглар елидан.
Кўрдим пахтазорда
Бир тўп аёллар
Офтоб найзасида ишларди ёниб.
Мени қуршаб олди
Турфа хаёллар,
Кўзда ёш... ўртаниб, севиб, қувониб.
Қайдандир таралар
Майин бир алла,
Фарзандга парвона она юраги.
Кўтариб дунёнинг юкин баралла,
Ҳаёт бўйлаб буюк аёл юради.
Азиз ёр, борлиғинг
Тириклик нақши,
Муҳаббат — инсонни юксалтган қанот.
Сенсиз умр деган
Тубандир, ваҳший,
Яшашнинг ўзи ҳам мубҳам хаёлот.
Ўтдим кўп йўлларни,
Изладим олис,
Атлас жилолардан ҳайратда кўзим.
Ҳаёт машаққатин
Опичлаб холис,
Порлар замнимда минглаб юлдузим.
Ҳар бирин қалбида
Эл — улус дарди,
Рўзғору фарзандинг ташвишлари жам.
Қаршимда мардона
Қомат кутарди
Аёл отли ўшал азиз, муҳтарам.
Улар сингилларим,
Оналар, ёрлар —
Яратган бу замин узра инсонин.
Топдим кеза-кеза
Неча диёрлар,
Кўнглимдаги гўзал — Ўзбекистонни!

Бугун—ҳамма пахтакор

Чаноқларни кулдирмоқда енгилгина шаббода,
Бугун фақат пахта ҳиди уфуради ҳавода,
Заршунослар ғайрати-чи, ҳар пайтгидан зиёда,
Катта-кичик меҳнатдадир даладай кенг дунёда,
Олтин кузда ҳар дақиқа олтинга тенг, азизлар,
Бугун ҳамма пахтакордир, шимаринг енг, азизлар!
Дур терилар эрта тонгда, қуёш ҳориб оққанда,
Завқинг тошар осмонўпар хирмонларга боққанда,
Пахта ишқи юртдошларим қалбига ўт ёққан-да,
Ярашиқдир кўкраклар ҳам Олтин юлдуз тақканда.
Дам ғанимат, ҳар дақиқа олтинга тенг, азизлар,
Бугун ҳамма пахтакордир шимаринг енг, азизлар.
Пахтадандир юртимизнинг шуҳрати-ю, ҳурмати,
Пахта — увол — нон уволдир, баланд турар қиммати
Довруғи достон бўларли пахтакорнинг ҳиммати,
Чўчитмагай уни асло кўкнинг булут чиммати,
Олтин кузда ҳар дақиқа олтинга тенг, азизлар,
Бугун ҳамма пахтакордир, шимаринг енг, азизлар!
Поёни йўқ даламизга гавҳар сочилган — бодроқ,
Пахтакорлик касби улуғ, пешонамиз ярқироқ,
Биз ҳаммамиз кирпшсак гар ерда қолмас ҳеч чаноқ,
Сафарбармиз биз теримга ҳар галгидан яхшироқ,
Олтин кузда ҳар дақиқа олтинга тенг азизлар,
Бугун ҳамма пахтакордир, шимаринг енг, азизлар!

Мафтун ЖУРА.

• Юбилей йили маррасини эгаллаганлар сафи кенгаймоқда

• *Пахтакорга ҳамма мададкор*

• Терим иштирокчилари ҳақида ғамхўрлик унутиб қўйилаётган жойда

Механизация шарофати

ҚҚАССР ва Сирдарё области пахтакорлари бугунги кунда зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Улар қўл теримини кучайтириш билан бирга машиналардан самарали фойдаланишга ҳам катта эътибор беришяпти.

◆ Сирдарё областининг Ильич районидаги генерал Узоқов номли совхоз далаларида «зангори кема»лар айниқса унумли ишлатилаётганлиги туфайли хирмонларнинг тезроқ юксалиши таъминланяпти.

Совхознинг биринчи бўлимида Турдиали Мамадиев номини ҳурмат билан тилга олишади. У ўз агрегати ёрдамида 150 тонна «оқ олтин» териб олишга сўз берган. Унинг ўғли бригада бошлиғи Болтали Мамадиев ҳам отаси билан ёнма-ён меҳнат қилаётир. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли бригада коллективи ҳозир мажбурият ҳисобига ҳосил топширяпти.

Суратларда: 1. Хўжаликда машина терими пайти. 2. Дала-бункер механизми йиғим-терим муваффақиятини ҳал қилади. 3. Ота ва ўғил механизаторлар.

А. Тўраев фотолари.

◆ Тўрткўл районидаги М. Горький номли совхоз механик-ҳайдовчилари ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Ғолиблар маънавий ва моддий рағбатлантирилаяпти. Йиғим-теримда алоҳида ибрат кўрсатган дала гвардиячиларига кўчма вимпеллар топширилмоқда.

Суратда: совхоз партия комитетининг секретари Муротбой Таганмуротов механик-ҳайдовчи Йўлдош Матназаровга кўчма вимпел топширмоқда.

К. Урозов фотоси.

Матбуот маркази хабарлари

БУХОРО ОБЛАСТИ

Қоракўл районидаги «Октябрь» колхози меҳнаткашлари қабул пунктларига 4480 тонна юқори сифатли пахта топшириб, йиллик планни ошириб бажардилар. Ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Хўжалик ғўзанинг «Октябрь 60» нави уруғлигини етиштирадиган асосий базадир. Бу ерда пландаги 1230 тонна ўрнига 1600 тонна уруғлик пахта тайёрланди.

Тўра Қурбонов, Зиёвуддин Пўлатов ва Худойберди Рўзиевлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40—42 центнерни тащкил этди. Чинни Ҳамроева, Муҳаббат Ҳамдамова, Боғдагул Рустамова ва Замира Остонова каби чеварлар ҳозиргача 9—10 тоннадан «оқ олтин» теришга эришдилар.

Пахтачиликдаги муваффақиятлар хўжалик экономикасининг юксалишига ижобий таъсир этмоқда. Агар колхозда ўтган йили пахтачиликдан 2,4 миллион сўм фойда олинган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 4 миллион сўмга етди.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ

Зомин районидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» совхози 7-бўлими пахта тайёрлаш планини адо этди. Давлат омборларига 825 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ўз агрегатлари ёрдамида 100—120 тоннадан пахта терган Абдуазим Турозов ва Раҳмон Маннановлар муваффақиятга муносиб ҳисса қўшишди.

* * *

Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхози механизаторлари машина терими планини бажардилар. Бу ерда «зангори кема»лар бункеридан 6 минг тонна хом ашё тўкилди. Моҳир механизатор Убайдулла Бекмирзаев мавсум бошидан бери 200 тонна пахта териб, ўзаро мусобақада ғолиб чиқди.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Наманган районидаги Свердлов номли колхозининг Ҳошимбой Қосимов бошлиқ бригадаси заршунослари зафар маррасини эгалладилар. Қабул пунктларига 210 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Йиғим-теримнинг қизғин кунларида бригадада социалистик мусобақа кенг авж олдирилди. Бор маҳоратларини ишга солган Розия Эгамбердиева, Фарида Усмонова ва Маҳмуда Ортиқовалар шу кунгача 7—8 тонналик пахта хирмони уюшга муваффақ бўлишди.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

Область комсомол комитети томонидан ташкил этилган агитбригада пахтакорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Агитбригада составида «Билим» жамиятининг лекторлари ва «Зарафшон» фольклор ансамбли қатнашчилари бор.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

10 ноябрда область далаларида 265900 киши ишлади. Улар 5596 тонна пахта тердилар. Ҳар бир теримчининг кунлик иш унуми 20 килограммни ташкил этди.

Ўзбекистон районидаги «Қолгандарё» совхозининг «Меҳнатобод» бўлими коллективи йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Қабул пунктларига 1392 тонна хом ашё етказиб берилди. Илғор механизаторлардан Саидакбар Алиев, Вали Алиев ва Ортиқ Сайфуддиновлар 120 тоннадан «оқ олтин» теришга эришдилар. Шарофат Ҳожиева, Манзура Отақулова ва Асал Эргашева каби чевар теримчиларнинг уйган пахта хирмонлари 4—5 тоннадан ошди.

Студентлар ҳиммати

◆ Пахта учун курашнинг ҳал қилувчи палласида олий ўқув юртлари студентларининг ғайрат-шижоати ҳам ўзгача. Улар пахтакор билан ёнма-ён туриб етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга сидқидилдан ёрдам бермоқдалар.

В. И. Ленин номли Хоразм давлат педагогика институти студентлари Янгибозор район хўжаликларида зарбдорчасига меҳнат қилишаётир. Ўзаро мусобақада филология факультети студентлари пешқадам. Ҳар куни хирмонга 15 тоннадан ошириб пахта тўкишга муваффақ бўлишмоқда. Комсомол аъзоси Наргиза Хўжаева студентлар ўртасидаги меҳнат беллашувида илғорликни қўлдан бермаётир. У бор маҳоратини ишга солиб кунлик нормасини ошириб бажаришга эришаётир.

Суратда: мусобақа илғори Н. Хўжаева.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

ҚАТРА

Колхоз дала шийпони, хонадонлар, чойхона ҳам ҳашарчиларга тўлди. Исмат тоға ёрдамчилар келганидан қувониб кетди, югуриб-елиб хизмат қилди.

Кечқурун ошнаси Мўминни излаб топди.

— Қовун-тарвузларингни юкла. Сафарга, узоқ бозорга кетамиз!

Р. ИСҲОҚОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кадрлар тайёрлаш, қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш соҳасидаги самарали ишлари учун Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ректори ўртоқ Эркин Турдиевич Шайховни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Ваъдалар ёлғон чиқди

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

●

Бу йилги табиат деҳқонларни яна синовдан ўтказяпти. Ҳавонинг бирдан совиши, устма-уст ёққан ёмғирлар йиғим-терим ишларини жуда қийинлаштириб юборди. Лекин бу сабаблар Навоий областида вужудга келган қийин аҳволни ўнглашга ёрдам бермайди. Энг муҳими — етиштирилган ҳосилни эрта йиғиштириб олиш учун яхши ташкилотчилик, сафарбарлик ва тадбиркорлик зарур.

Навбаҳор районидаги «Бухоро» колхози пахтакорлари йиғим-терим ишларини дастлабки кундан шундай тарзда ташкил этишди. Машина теримига алоҳида аҳамият берилди. Ҳозирнинг ўзида ҳар бир машинанинг ўртача кўрсаткичи 70 тоннадан ошиб кетди. Ўроз Ботиров, Саъдулла Ҳамдамов, Қурбонбой Қувондиқов каби механизаторлар эса шу пайтгача 160—190 тоннадан пахта тердилар. Шу боис хўжалик областда биринчи бўлиб йиллик планни бажарди. «Ленинград», Ленин номли колхозларда ҳам терим ишлари яхши кетяпти.

Афсуски, область миқёсида бундай хўжаликлар жуда озчиликни ташкил қилади. Аксарият жойларда терим ишлари жуда бўш олиб бориляпти. Қўл теримида ҳам, механизмларни ишлатишда ҳам унум бўлмаяпти. Айниқса, бу соҳада Навоий райони «ибрат» кўрсатмоқда.

Шу ўринда район ва хўжалик раҳбарларининг мавсум арафасидаги қуюқ ваъдалари ёдга тушади. Улар турли йиғинларда «теримни тез ва соз ўтказамиз» қабилида маърузалар қилишган, юқори органларни ишонтиришган эди. Бироқ ваъдалар ёлғон чиқди. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Биринчи навбатда ишда ташкилотчилик, уюшқоқлик етишмаяпти. Бу жиҳатдан партия комитетлари, коммунистларнинг ўзи ибрат бўлолмаётганлиги кишини ташвишлантиради. Масалан, «Қизил Октябрь» колхозида партия группаси тузилган эди. Группанинг фаолияти шу билан чекланиб қолди. Секретарь А. Ражабов 4 тонна пахта термай, машинаси бузилди. Бошқа коммунист механизаторлар ҳам ташкилотчидан сал кўпроқ пахта терган.

— Машиналар учун иш фронти йўқ, — дейди партком секретари Ю. Бердихолов. — Бутун эътиборни қўл теримига қаратяпмиз.

Секретарнинг фикрича хўжаликда сафарбарлик зўр. Бироқ колхозда бунинг аксини кўрдик. Ишга яроқли кишиларнинг атиги ярми — 900 га яқини теримда қатнашяпти, холос. Уларнинг иш унуми жуда паст. Ҳар бир киши кунига 30 килограмм атрофида пахта теряпти. Кейинги ёмғирлардан сўнг бу кўрсаткич янада тушиб кетди.

Ю. Бердихолов эса хотиржам, ҳамма нарсани кўнгилдагидай, деб кўрсатишга уринади. Ишга бундай муносабат бошқа раҳбарларга ҳам кўчган. Натижада агитаторлар фаолияти, теримчиларга шарт-шароит яратиш, механизаторларни иссиқ овқат билан таъминлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Табиийки, бу камчиликлар ўз навбатида терим суръатига салбий таъсир кўрсатяпти. Хўжаликда шу пайтга қадар пахта тайёрлаш плани энди 40 процентдан ошди.

Навоий районидаги раҳбар ва мутахассисларда тадбиркорлик, жонкуярлик эмас, баҳона ахтариш кайфияти кучли. Улар қолоқлик сабабларини зўр бериб об-ҳавонинг ноқулайлигидан ахтаришга ҳаракат қилишяпти. Далаларда бўлса теримчилар ҳам, машина-механизмлар ҳам тўла унум билан ишламаяпти. «Нарпай», «СССР 60 йиллиги» совхозлари, «Қизил Ўзбекистон» колхозида йиллик топшириқ 27—41 процентга бажарилди. Район эндигина 40 процентлик маррани эгаллади.

Бундан буёғига табиатдан сахийлик кутиш қийин. Бутун имконият ва куч-ғайратни ҳар қандай шароитда ҳам ҳосилни йиғиштириб олишга қаратган, ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланган деҳқонгина ютади. Бу фикр навоийлик пахтакорлар учун янгилик эмас. Фақат унинг амалийлигини таъминлаш зарур.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

Теримчи нимадан норози?

Кабинаси устидаги алвонга «Теримчилар учун дорилармонлар»» деб ёзилган машина тушлик пайтида Свердлов район «Авангард» совхози 2-бригадаси дала шийпонига келиб тўхтади. Шу райондаги 9-марказий дорихона ходими Дилбар Султоновани теримчи қизлар ўраб олишди.

— Елимли лента олиб келдингизми? — дея чаноқлар тирнаган бармоғини кўрсатди Солиҳа.

— Вазелинни унутганингиз йўқми, —дея дугонасининг сўзини бўлди Жумагул.

Дилбар қизларнинг содда саволларига кулимсираганда, «Ҳамма нарса бор, навбат билан олаверасизлар», дея кўчма дорихона эшигини очди.

Дарҳақиқат машина ички жиҳози ҳеч қандай дорихонадан қолишмас эди. Усти ёпиқ катакларга юзлаб дориларнинг номи ёзилган. Уларнинг ҳар қайсиси далада ишловчиларга зарур бўлиб қолиши мумкин.

Дилбар савдо қилар экан, шу ерда ҳозир бўлган область дорихоналар бошқармасининг бошлиғи А. Замонов билан пахтакорларга кўрсатилаётган хизмат савияси тўғрисида суҳбатлашамиз.

— Шу кунларда областдаги барча районларда мана шундай дорихоналар дала кезмоқда, —дейди у. — Бу дўконларнинг қачон, қайси бригадага боришини олдиндан хўжалик раҳбарларига маълум қиламиз. Улар эса пахтакорларни бундан хабардор қилишади. Натижада теримчининг оғири енгил, узоғи яқин қилинади. Бундан ташқари ҳар бир бригада, йиғим-транспорт отрядини кўчма дорихона билан таъминлаганмиз. Область хўжаликларига шундай дорихонадан 10 мингтаси сотилди.

Ҳали суҳбатимизни тугатмасданоқ теримчилар зарур харидларни қилиб далага шошилишди. Бундай бўлиши табиий. Ҳозир ҳар бир дақиқа ғанимат. Сергайрат кўпмингкилограммчилар Солиҳа Тангриева, Жумагул Яхшиева, Рўзигул Тўраева, ишбилармон механик-ҳайдовчилар Имон Тоҳиров, Эргаш Комилов туфайли бригада ҳар куни йиллик планнинг 1—1,5 проценти миқдорида пахта топшириб, бригада плани 70 процентдан ошди. Свердловлик пахтакорлар муваффақиятларида хизмат соҳаси ходимларининг ҳам ҳиссаси бор.

— Мана, бугун доришунослар меҳмонимиз бўлишди, кеча эса тикувчилар янги либос учун андоза олиб кетишди. Илгариги кун матлубот кўчма дўкони ҳузуримизга келди, — дейди мамнунлик билан Рўзигул Тўраева. — Бироқ савдо ходимларига эътирозимиз ҳам бор. Негадир дўконларда кир совун, кир ювиш порошоғи йўқ. Ваҳолонки, кўпчилигимиз онамиз. Даладан қайтиб болаларимизнинг кирини ҳам ювишимиз керак.

Рўзигулнинг хизмат соҳаси ходимларига бундай талабчанлик қилиши беҳуда эмас. У Сепата қишлоқ Совети депутати. Сайловчилар унга йиғим-терим даврида теримчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида алоҳида наказ беришган. Хизматнинг савияси эса бу наказ даражасида эмас, дея ҳисоблайди депутат. Масалан, теримчилар далада ҳали лимонад, морс, бошқа салқин ичимликларнинг мазасини татиб кўришгани йўқ. Негадир савдо ходимлари бундай маҳсулотлар билан шаҳарда, район марказида савдо қилишни ёқтиришади. Энди бундай тартибларга чек қўйиш керак.

Рўзигул бу тўғрида қатъий фикрини билдириб, пахтазорга шошилди. Бугун у бригада хирмонига 230 килограммлик ҳисса қўшиш ниятида.

Биз эса Дилбар Султоновадан савдо қандай юришганини суриштирамиз. Атиги ярим соат ичида у 48 сўмлик дори-дармон сотибди. Бир соатча илгари Ҳамза номли колхознинг 9-бригада шийпонида ҳам бундан кам савдо қилгани йўқ. Демак, далада савдо ҳам пахтакор, ҳам хизмат соҳаси ходими учун фойдали. Хизматнинг илғор усулларини қўлланиш туфайли область доришуносларга тўққиз ойлик планга қўшимча ярим миллион сўмликдан зиёд савдо қилишди.

Афсуски, хизматнинг бошқа соҳалари ходимлари муваффақияти тўғрисида бир нарса дейиш қийин. Чунончи область савдо ходимлари шу йилнинг 8 ойида белгиланганидан 26 миллион сўмлик кам савдо қилишди. Айниқса Пешку, Когон, Вобкент районларида қишлоқ меҳнат аҳлига савдо хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмас.

Яқинда область давлат савдо инспекцияси барча районлардаги матлубот жамиятларининг пахтакорларга кўрсатаётган хизматини текширди. Белгиланган тадбирларга кўра дала шийпонларида ташкил қилиниши лозим бўлган 317 сотувчисиз дўконнинг атиги ярми бор, холос. Уларда ҳам 30-50 турдаги маҳсулот ўрнига 6-7 хил товар билан савдо қилиняпти.

Энг ачинарли томони шундаки, пахтакорлар ёғ, гуруч, қанд, биринчи сорт ун, кир совун, тиш ювиш пастаси каби кундалик зарур молларга тақчиллик сезишмоқда. Текширилган 189 та магазиннинг ярмидан зиёдида шундай камчиликлар аниқланди. Афтидан айрим районлардаги савдо тармоқларининг раҳбарлари мавсум масъулиятини ҳис қилмаётганга ўхшайди.

Айни йиғим-терим палласида пахтакорга хизмат кўрсатишда бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Теримчининг эҳтиёжини тўла қондириш учун барча зарур чоралар кўриш керак.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОКТЯБРЬ ВА ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ

Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида очилган виставканинг 700 тадан ортиқ экспонати планетадаги меҳнаткашларнинг Улуғ Октябрь Ватани билан, совет халқи билан бирдамлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Стендларда «Совет Россиясидан қўлингни торт!» дейилган варақалар турибди. Бу варақаларни тарихнинг мамлакатимиз учун энг қийин даврида чет элларда ги тараққийпарвар ишчи партиялари ва ташкилотлари нашр этган. Экспозицияда СССРда социализм қуришда шахсан қатнашиш истагини билдирган ажнабий ишчилар тўғрисидаги материаллар бор. Улар орасида америкалик коммунист О. Голденни кўрамиз. Маълумоти жиҳатидан агроном бўлган Голден Туркистон ўлкаси қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун оиласи билан бу ерга келган.

Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимиз фашизмга қарши узоқ вақт яккама-якка қийин жанглар олиб борган йилларида бутун дунёдаги ишчилар шавкатли совет аскарларига қойил қолиб, ўз ҳукуматларидан иккинчи фронт очишни талаб қилганлар. Инглиз, француз, немис антифашистларининг музейга қўйилган оташин варақалари шундан далолат беради. Ана шу даврда Англияда Совет Иттифоқига ёрдам бериш қўшма комитети тузилган бўлиб, унинг активлари Қизил Армия учун пул ва совға-саломлар тўплаганлар.

Бугунги кунда ҳам совет кишилари дўстлик, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик алоқалари орқали бутун дунё меҳнаткашлари билан боғланиб турибдилар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи мамлакатлар билан бундай алоқалар, айниқса, самарали ривожланмоқда. Ўзбекистон, Болгария, Венгрия корхоналари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида тузилган шартномаларнинг экспозицияга қўйилган нусхалари шундан далолат беради.

Советлар мамлакатининг Октябрь революцияси давридан бери ўзгармай қолаётган тинчликсевар ташқи сиёсатига планетадаги барча виждонли кишилар мустаҳкам ҳайрихоҳлик билан қарамоқдалар. СССРнинг ядросиз ва зўравонликсиз дунё учун кураши халқаро кўламда қўллаб-қувватланмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАММА ЯХШИ НАРСАЛАР—БОЛАЛАРГА!

Болалар уйларига кундалик диққат-эътибор жуда ва жуда зарур. Уларга моддий ёрдам беришгина қолмай, ота-онасиз қолган болаларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш зарур. Тўгараклар ва ижодий секциялар болалар театрларининг филиаллари ва расм чизиш студияларини жамоатчилик асосида ташкил этиш керак. Болалар уйлари директорлари ва Ўзбекистон маданият арбобларининг 11 ноябрь куни Тошкентда бўлган учрашувида ана шу ҳақда гапирилди.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТ — БОЛАЛАР ФОНДИГА

Ўзбекистон энергетикларининг Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақасида Бухоро электр тармоқлари корхонаси голиб чиқди. Областда 300 ўринга 407 километрли электр линияси ишга туширилди.

Электр тармоқлари корхонаси бу йил аварияси ишламоқда. СССР энергетика аълочиси Ҳ. Фозилов, А. Маъмуров, Ф. Турдиев, Г. Лаксаков, В. Аксютин сингари илғор мастерлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Корхона коллективи голиблик учун ажратилган 7 минг сўмдан знёд пул мукофотини Бутуниттифоқ болалар фондига ўтказишга қарор қилди.

А. МАҚСУДОВ.

• *«Совет Ўзбекистони» — улкан қурилишлар трассасида*

ШЎРДАРЁ ОРОЛГА ОҚАДИ

Машина Газлидан ўтгач, кенг асфальт йўлдан чапга бурилиб, теалигини камайтирди. Туя ўркачлари мисол паст-баланд барханлар ўртасида илондай ўрмалаган бу йўл ҳали бирон харитада йўқ. Кейинги бир ярим йил ичида шу йўналишда ҳаракат қилган қудратли техника ғилдираклари бу йўлни «ҳосил» қилган.

Қизилқумда бундай йўллар сон-саноқсиз. Улар газ ва нефть конларига, каналларнинг иншоотларига, олис чорвачилик отарларига бошлаб боради. Бирини иккинчиси билан алмаштириб мутлақо кутилмаган йўналишдан чиқиб қолиш ҳоллари ҳам содир бўлган. Шуни назарда тутиб ҳамроҳимиз, «Главсредазирсовхозстрой»нинг Бухородаги механизациялашган кўчма колоннаси бош инженери Ю. И. Ермаков ўзигагина таниш белгиларга асосланиб, ҳайдовчига машинани қумтепалар ўртасидан гоҳ чапга, гоҳ ўнгга буришни буюради.

Кун яримлаб қолганида бўлажак магистрал қурилишининг бошига етиб келдик. «Бошига эмас, охирига», дея хатомизни тузатади Юрий Иванович. Таажжубга тушганимизни кўриб «Одатда каналлар қурилиши бошидан, коллекторлар эса охиридан бошланади», деб қўшимча изоҳ беради. Шундай қилинмаса, сизот сувлар юзага чиқиб, қазиш ишларини мушкуллаштиради.

Амударё қирғоғидан бир неча километр узоқликда турнақатор тизилган замонавий мелиоратив техника тўхтовсиз наъра тортмоқда. Айниқса, яқинда ишга киришган баҳайбат одимловчи экскаваторларнинг иш суръати кишини ҳайратга солади. Анатолий Сингелевич бошлиқ ўн икки кишилик бригада иккита шундай машинани уч сменада ишлатмоқда. Яна бир машина трасса бўйида жадал йиғилмоқда. Тўртинчиси эса ҳали йўлда.

Қурилишда яқин йилларда уларнинг сонини ўн олтитага етказиш кўзда тутилган. Агар уларнинг ҳар бири йиллик ўртача иш ҳажми 1 миллион 200 минг кубометр тупроқ қазишга тенглиги ҳисобга олинса, янги қурилишнинг кўламини тасаввур қилиш қийин эмас.

Энди шу атрофдаги яйловларда парваришланаётган қўй-эчкилар ҳам катта қурилишдаги шовқинга кўникиб қолишди. Чўпонлар эса ҳозирданоқ бўлажак трассага Шўрдарё деб ном қўйишди. Хўш, бу қандай дарё? Нега чўпонлар ҳали унинг сувини татимай шундай аташибди экан?

Ҳамма гап шундаки, бу сунъий дарёнинг суви ҳақиқатан ҳам шўр бўлади. Қарши даштини комплекс ўзлаштириш планининг КПСС XXVII съездида тилга олинган иккинчи навбатига киришув бу объектнинг расмий номи Бош сув ташламасидир. «Средазгипроводхлопок» ҳали поёнига етказиб улгурмаган лойиҳага кўра, Бош сув ташламаси Термез шаҳри яқинидан бошланиб, Орол денгизигача 1,5 минг километрга чўзилади. Жаҳон мелиоратив қурилиши тарихида бу мисли кўрилмаган иншоотдир.

Шўрдарёни қуриш учун қанча капитал маблағ, муддат керак бўлишини ҳали мутахассислар ҳисоблаб бўлганлари йўқ. Ҳозир Бухоро области территориясида давом этаётган қурилиш қисмининг қиймати эса аниқ: 161 миллион сўм, норматив муддати — саккиз йил. Агар Аму-Бухоро машина каналининг иккала навбатини қуришга ҳаммаси бўлиб 140 миллион сўм маблағ сарфланганини эътиборга олсак, ишнинг келгуси кўламини тасаввур қилишимиз мумкин.

Ҳа, Амударё сувини кўплаб каналлар орқали чўлга оқизиш, унинг оқавасини экинзорлардан чиқаришга қараганда арзонроқ тушмоқда. Лекин тупроғимиз ҳосилдорлигини, сувимиз тозалигини, муҳитимиз соғломлигини сақлаш учун шундай харажатларга боришга тўғри келади. Зеро, Шўрдарёни қуришдан мақсад нафақат Қарши дашти ўзлаштирилишини давом эттириш, балки Амударё сувини оқавадан тозалаш, Оролга эса ризқини қайтаришдир. Бош сув ташламаси ҳар йили Орол денгизига ўн кубкилометр коллектор сувини оқизиш қувватига эга бўлади. Мутахассисларнинг айтишича кўра, сувнинг минераллашув даражаси ҳар киши ҳисобига 3—5 граммдан ошмайди, унга саноат корхоналари чиқитлари қўшилмайди. Демак, Оролнинг флора ва фаунасига деярли зарар кўрсатилмайди.

Бош сув ташламаси қурилишига энди киришиляпти, деган тушунча учалар тўғри эмас. «Бухараирсовхозстрой» трести уч йил муқаддам бу ишни бошлаб берган эди. Бироқ қурилишнинг тошбақа суръати ҳеч кимни қаноатлантирмади. Амударё сувининг ифлосланиши, Оролнинг эса қуриб қолаётгани тўғрисида республика матбуотида ошкоралик шароитида айтилган фикрлар ишни жадаллаштиришга туртки бўлди.

Ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб «Главсредазирсовхозстрой» составида алоҳида механизациялашган кўчма колонна тузилиб, иншоот қурилишига бош пудратчилик қилиш шу колонна зиммасига юклатилди. Ўшандан буён қурилишда иш ҳажми деярли икки баравар ошди. Фақат шу йилнинг ўн ойи мобайнида коллектив бош пудрат бўйича 9,5 миллион сўмлик, ўз кучи билан эса 6 миллион 234 минг сўмлик иш бажарди.

Бош пудратчига ҳозирча Бош ташлама ўзанининг 220 километрлик қисмини қазиш, шунга алоқадор иншоотларни қуриш топширилган. Трассанинг бу дастлабки қисми Қашқадарё областидаги Сичанкўлдан бошланиб Когон, Бухоро, Қоракўл, Олот районлари орқали республикамиз чегарасидаги Порсонкўлгача боради. Келгусида Бош ташлама Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб Хоразм области, Қорақалпоғистон АССРнинг аҳоли бўлмаган территорияси орқали ўтиб, шу атрофдаги барча коллекторлар Шўрдарё ирмоқларига айланади. Шу қирғоқдаги шўр кўлларнинг суви ҳам ташлама орқали денгизга оқизилади.

Биз икки кун мобайнида бутун трасса бўйлаб айланиб, қурилишда бажарилган ишларни кўздан кечирдик. Бош сув ташламасининг қарийб ўттиз километрлик ўзани тайёр. Яна 20 километрлик масофада қум суриш, қаттиқ қатламни портлатиш, тупроқ қазиш ишлари конвейер усулида давом этмоқда. Бўлажак магистрални Аму-Бухоро машина канали остидан ўтказиш учун иншоот ҳавзаси ҳам тайёр. Ёмонжар каналидаги иншоотда бетон ишлари бошланган. Яна ўнлаб иншоотлар, кўприклар қурилиши ҳали олдинда.

Олот шаҳрида янги қурилишнинг саноат базаси жадал барпо қилинмоқда. Когон районининг «Бухоро» совхози территориясида мелиораторлар шаҳарчаси қурилиши давом этяпти. Яқинмачилик магистраль қурилишидан юзлаб километр узоқликда — Қарши шаҳридаги 7- қурилиш корхонаси дирекциясига топширилгани бизни ажаблантирди. Наҳотки, шундай кенг кўламдаги истиқболли қурилиш алоҳида буюртмачи ташкилотга лойиқ бўлмаса? Буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги масофа кўпгина оператив масалаларни ҳал қилишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Саҳро ўртасида оғир шароитларда меҳнат қилаётган мелиораторларга кўрсатилаётган социал-маданий хизмат ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Қурувчиларга газета-журналлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар куни етказиб берилмаяпти. Бутун қурилиш трассаси бўйлаб бironта медпункт йўқ, қурувчилар кўчма кино установка юзини кўришмаган.

Айни маҳалда мазкур қурилишга алоқадор объектларда 500 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Бир йил мобайнида уларнинг сони тўрт баравар кўпайди. Яқин келажакда эса яна уч баравар ортиши кўзда тутилмоқда.

Саҳрода вахта усулида меҳнат қилаётганларга ғамхўрлик тўғрисида ўйлаш лозим. Ҳозиргача улкан трасса ўтган районларнинг партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари раҳбарлари ҳали бирон марта ҳам қурувчилар аҳволидан хабар олишгани йўқ.

Областда кенг кўламдаги сув иншооти қурилишларини олиб бориш, қурувчилар ўртасида бундай шароитда сиёсий-тарбиявий ишни ташкил қилиш, саҳрода намунали хизматни йўлга қўйишда бой тажриба тўпланган. Бу тажрибани яна қўлланиш пайти етмаганмикан? Балки, Шўрдарё қурилиши комсомол оталиғига олишга лойиқдир...

Н. НУСРАТОВ.





СУРАТЛАРДА: 1. Улкан қурилиш зарбдорлари — экскаваторчи В. Тренин, участка механиги Қ. Тўхтаев, бульдозерчи Қ. Тешабов ва бош инженер Ю. Ермаков келгуси ишлар режасини тузишмоқда. 2. Коллекторнинг қазилган участкаси.

Ф. ҚУРБОНОВ фотолари.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

КАСПАРОВ — КАРПОВ БАҲСИДА

БИРИНЧИ ПАРДА ЁПИЛДИ

Кўплар бундай аламли мағлубиятдан сўнг жаҳон эксчемпиони тайм-аут олса керак деган фикрда эди. Лекин Карпов муваффақиятсизлик дардидан фориғ бўлишнинг энг яхши усули — шахмат тахтаси узра жанг қилишдир, деган фикрга амал қилади. Масалан, ўтган йилги матчда реванш ололмаган Карпов бирон бир тинчроқ жойда ҳордиқ чиқариш ўрнига 70 кунлик кураш тугаши биланоқ катта бир мусобақага йўл олди. «Аччиқни аччиқ кесади» деган гап ҳам бор-ку!...

Навбатдаги ўн иккинчи учрашувга одатдагидек биринчи бўлиб Каспаров етиб келди. Лекин 3 минутгача соат тугмачасини босмай ўтирди. Ҳарифи жойини эгаллагандан кейингина биринчи юришини қилди, бинобарин ўтган вақт унинг ҳисобига ёзилди. Бу—тантилик белгиси.

Оқлар бешинчи марта инглизча бошланиш деб аталувчи дебютда жанг қилишни давом эттирмоқчи бўлди. Лекин бу гал Карпов биринчи марта фарзин гамбитига ўтишни маъқул кўрди. Маълумки, бу дебют олдинги матчларда бирнеча бор учраган ва кўпроқ оқларнинг муваффақияти билан тугаган эди. Қизғин шундаки, уни ҳарифлар гоҳ оқ доналар билан, гоҳ қора доналар билан ўйнар ва ўз ҳолларича талқин қилган эдилар. Қоралар ўн биринчи юришда фарзинларни алмаштиришга қўйди, Каспаров бунга кўнмади. Сўнгра Карпов оқ доналарда ҳаракатланувчи филларни алмаштиришга шайланди. Оқлар бунга ҳам йўл қўймади. Курашга қизғин тус беришнинг ягона усули марказни очиш эди. Бироқ, бу ҳолда қайси томон кучлироқ аланга остида қолишини аниқ тасаввур этиб бўлмасди. Атиги биттадан пиёда алмаштирилган эди, холос. Бу сафар Каспаров қалтис ҳаракатлардан ўзини тийиб, 21-юришда ногоҳ битим тузишни таклиф этди. 5 минутлик мулоҳазалардан сўнг Карпов дурангга кўнди. Чамаси ҳарифлардан кўп куч талаб қилган олдинги учрашув ана шундай қарорга келишни тақозо этиб қолган кўринади. Ҳисоб Гарри Каспаров фойдасига 6,5:5,5 бўлди. Ўтган йилги жаҳоншумул томошанинг Лондонда кўрсатилган биринчи пардаси ҳам худди шундай ёпилган эди. Бугун ўйналадиган 13-партияда оқ доналарни А. Карпов суради.

М. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

• *Врач огоҳлантиради*

Овқатдан заҳарланманг

Сирдарё қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг студенти Сазоир Раҳимов дарсдан қайтгач одатича овқатланиб, эртанги дарсларга тайёрланарди. Сўнг штанга кўтариш билан шуғулланарди. Лекин шу куни машғулотни охирига етказмасданоқ чарчаб қолди. Ўзини ҳолсиз сезди. Боши айланиб, туни билан ҳарорати кўтарилди. Қорнида оғриқ пайдо бўлиб, қайт қилди. Шундай бўлсада, дарсга борди. Сазоир техникумга келганда ўртоқлари Кирмон Катипов, Муҳаммад Шавкатовларни ҳозиргина касалхонага олиб кетишганини айтишди.

Шундай қилиб, техникум медицина пунктига яна беш студент мурожаат этди. Улар ҳам дарҳол «Малик» совхози қошидаги қишлоқ участка касалхонасига жойлаштирилди Касалхона врачи Н. Требунский бундай ҳолатдан сўнг дарҳол район санитария-эпидемиология станциясига хабар берди. Техникумга келган Сирдарё район санитария-эпидемиология станцияси ходими Ф. Иноятова ишни ошхонанинг санитария ҳолатини текширишдан бошлади. Ошхона санитария ҳолати қониқарсиз бўлиб, ошпазлар ўша куни тушликка товуқ гўштли суюқ угра, иккинчисига эса балиқ гўштли котлет билан қовурилган тухумли макарон тайёрлашган эди. Холодильникда эса 6 та ҳом, 3,5 та пишган товуқ қолган. Буни ҳам ошпазлар тушликдаги овқатга ишлатиб юборишди. Сўнг техникумга район марказий касалхонаси бош врачи Ф. Солиев, район санитария-эпидемиология станцияси бош врачи О. Жалилов бир группа врачлар билан етиб келишди. Касалликнинг олдини олишга доир кенг миқёсдаги тадбирлар белгилаб ишга киришдилар. Практикага кетган талабаларни ҳисобга олмаганда қолган барча студентлар, ўқитувчилар медицина назоратидан ўтказилди. Улар орасидан юқоридаги аломатга эга яна 19 студент аниқланди. Кейинги куни яна етти студент касалхонага ётқизилди.

Беморларнинг салманеллез инфекцияси билан ифлосланган овқатдан заҳарланганлиги маълум бўлди. Уларга зудлик билан барча медицина ёрдами кўрсатилди. Бугунги кунда улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Хўш, нимага шундай ҳолрўй берди? Бунга нима сабабчи-ю, ким айбдор?

Ошхонада санитария-гигиена қоидалари қўпол равишда бузилган. У ерда бўлганимизда ҳом ва пишган овқатлар учун буюмлар етишмаслиги, бори ҳам ўз ўрнида ишлатилмаслигининг гувоҳи бўлдик. 600 га яқин киши овқатланадиган ошхонада атиги битта холодильник бўлиб, у ҳам эскириб қолган.

Катта ошпаз К. Оққўзиев март ойидан буён, шунингдек ошхоналарни озиқ-овқат ва гўшт маҳсулотлари билан таъминловчи ошхоналар трестининг экспедитори Х. Худойбердиев тўрт йилдан буён медицина кўригидан ўтмаган. Экспедитордан товуқ гўштини областнинг Комсомол районидаги товуқчилик комплексидан олиб туришини аниқлаб у ерга ҳам бордик. Товуқчилик комплекси санитария-гигиена жиҳатидан жуда ҳам ачинарли аҳволда. Ходимларнинг бирортасида махсус кийим йўқ. Ишлатилаётган маҳсулотларни сақловчи холодильниклар ҳам яхши ишламас, истеъмолга юборилаётган товуқлар умуман лаборатория кузатувларидан ўтказилмас экан. Комплекс иссиқ ва совуқ сув билан таъминланмаган. Санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қилиб жиҳозлангунга қадар комплекснинг товуқ сўйиш цехлари ёпиб қўйилди.

Бундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг ишимиздир. Бунинг учун покизалик эътиборимизда бўлиши керак.

Ж. ЗИЁВИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги республика санитария-эпидемиология станцияси овқатланиш гигиенаси бўлими мудири.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: юқумли касалликлар (эпидемиология билан);
ассистентлар: биохимия, 2-болалар касалликлари, 3-болалар касалликлари, 4-болалар касалликлари — 3, анестезиология ва реаниматология курси;
ўқитувчилар: лотин тили, инглиз тили.
Конкурс муддати — 23 ноябрга.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй. (156, 165-автобусларнинг «СамПИ» бекати).

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ФИЗИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: мембраналар биофизикаси, ёш физиологияси;
кичик илмий ходим: овқат ҳазм қилиш физиологияси.
Конкурс муддати — 5 декабргача.

Мурожаат учун адрес: 700095, Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими, А. Ниёзов кўчаси, телефон 46-94-12.

●

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: режиссёрлик ва актёр маҳорати, библиография (2), халқ чолғу асбоблари, маданий-оқартув ишлари назарияси ва методикаси;
катта ўқитувчилар: маданий-оқартув ишлари назарияси ва методикаси (2), режиссёрлик ва актёр маҳорати, илмий коммунизм;
ўқитувчи: маданий-оқартув ишлари назарияси ва методикаси;
Конкурс муддати — 23 ноябрга

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700164, Тошкент шаҳри, Високовольтний массиви, 3-сектор, 127 «а» уй. Телефонлар: 62-04-63, 62-03-23.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар (фан кандидати): историография ва манбашунослик — араб, форс тилини билувчилар учун (битта ўрин); умумий тарих —араб, инглиз, француз, немис тилини билувчилар учун (иккита ўрин).
Конкурс муддати 23 ноябрга

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 81-уй. Телефон 62-54-61.

●

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/XI да Қутлуғ қон.

МУҚИМИЯ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/XI да Ана-уна совчилар.

• *Тингланг, томоша қилинг*

13 ноябрь, жума

Телевидение

МТ-I. 8.00 — «90 минут». 9.35 — «Минотаврга ташриф». Бадиий фильм. 4 ва 5-серициялар. 11.55— Қувноқ сатрлар. 12.40 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — Қайта қуриш прожектори. 16.50 — Болалар учун фильм. 17.55 — Ғўвалик ҳамма учун. 18.25 — Ҳужжатли фильмлар. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.30 — СССРда Ҳиндистон фестивали. 20.05 — «Минотаврга ташриф». Бадиий фильм. 5-серия. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Совет милицияси кунига бағишланган концерт. 24.00 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.25 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Г. Х. Андерсен эртаклари. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Музыка. 12.05 — Сиз яратган боғ. 13.10 — «Инқироз». Бадиий фильм. 15.00 — Тарих саҳифалари. 15.30 — Янгиликлар. 15.40 — «Рябина билан меҳмон қиламан». Фильм-концерт. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Танишинг, чет эл цирки. 19.30 — Сиз бунга қодирсиз. 20.20 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.35 — Баскетбол шарҳи. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — «Жонгинам, аазизим, севгилим, яхшаю-ягонам...» Бадиий фильм. 23.10 — Янгиликлар. 23.15 — «Бу менинг мангулигим». Фильм-концерт.

УзТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.20 — Тонгги тароналар. 7.30 — Ахборот. 7.50— Салом, кичкинтойлар. 17.30 — География. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Болалар учун концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Интенсивлаш — беш йиллик шиори. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Инсон ва қонун. 21.20 — Наштар. 21.30 — Время. 22.00 — Долзарб вазифа. 22.10 — Инқилоб тенгдошлари. 23.10 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.35 — «Диалог». Қисқа метражли фильм. 20.05 — Дала, ҳовли юмушлари. 20.40 — Ритмик гимнастика. 21.00 — Пахта йиғим-терими — ҳар бир кишининг ва ҳамманинг иши. 21.30 — Время. Фрунзе: 22.00 — «Хоним ва эркаклар даврасы». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 —Эстрада концерти. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Мактаб ўқувчиларининг талабларига биноан концерт. 12.10 —Ўзбекистон бинокори. 12.40 —Ю. Усмонова куйлайди. 13.00 — Чорвадор. 13.30 —Сеҳримли оҳанглар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 —«Гунча» —«Юлдузча» ҳузурида меҳмон, да. 16.00 — Дўстларимиз овози. 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.30 —Ҳинд қўшиқлари 19.20 — —Огонёк. 21.00 — Пахтакорларнинг талабларига биноан концерт. 22.30 — Бугун радио. театрда.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 09148. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 261 ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12